

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01. 2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТОНОВА ЎҒИЛОЙ НАБИЕВНА

ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ФИЗИКА ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИ КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2022

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторский диссертации (DSc)

Content of the abstract of alocforal alissertasion

Султонова Ўғилой Набиевна

Техника олий таълим муассасаларида физика ўқитиш методикасини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш3

Султонова Уғилой Набиевна

Совершенствование методики преподавания физики в технических высших учебных заведениях на основе компетентностного подхода33

Sultonova Ugiloy Nabievna

Improving the methodology of teaching physics in technical higher educational institutions based on the competence approach 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works68

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01. 2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТОНОВА ЎҒИЛОЙ НАБИЕВНА

ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ФИЗИКА ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИ КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Ped148 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziyoueb» Ахборот таълим порталига (www.ziyoueb.com) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар:

Махмудов Юсуф Ганиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Камолходжаев Шахобидин Мухиддинович
педагогика фанлари доктори, доцент

Жўраев Хусниддин Олтиноевич
педагогика фанлари доктори, доцент


Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "22" Август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Бунёдхор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; Web-site: www.tdpu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1498 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Бунёдхор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2022 йил "11" 01 куни тарқатилди.
(2022 йил "11" 01 даги 54 - рақамли реестр баённомаси).



М.А.Муслимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исенов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., доцент

С.С.Булатов

Илмий даражалар берувчи илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рақамли иқтисодиёт шароитида олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш механизмлари татбиқ этилган. 2015 йил Жанубий Кореяда ўтказилган бутун жаҳон форумида таълимнинг барқарор тараққиётини таъминловчи “Таълим-2030” Инчхон декларацияси қабул қилинди ва бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш долзарб вазифа сифатида белгиланди. Техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш, дидактик таъминот сифати даражасини ошириш, талабалар ижодий тафаккурини ривожлантириш, замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш, креатив ва компетентли мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида физика таълимини ривожлантириш, физика ўқитишда индукция, дедукция методларидан кенг фойдаланиш, халқаро баҳолаш дастурини татбиқ этиш, физика ўқитишга интегратив ёндашиш, таълим мазмунини модернизациялаш, таълимга инновацион ахборот технологиясини жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, талабаларнинг физикани ўрганишга нисбатан ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, касбий компетентлиликни ривожлантириш, физика ўқитишда ахборот технологияларини жорий қилиш, ўқитишда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш каби масалаларга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда ахборот технологиясини ривожланиши билан боғлиқ ҳолда, машғулотларни ташкил этишнинг янги шакллари татбиқ этиш, таълим сифати ва самарадорлигини ва таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг меъёрий асослари яратилди. Фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмини яратиш¹ устувор вазифалар этиб белгиланди. Бу эса, олий таълим муассасаларида физикани компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ - 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ - 2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 март ПҚ-5032-сон “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Узлуксиз таълимда компетенциявий ёндашув, таянч ва фанга оид компетенциялар ва таълим олувчиларнинг компетентлиги масалалари бўйича дунёнинг бир қатор олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларида, хусусан: University of Nevada (АҚШ), University of Bayreuth (Германия), University of Kent (Англия), Nord University, Буде, (Норвегия), National University of Singapore (Сингапур), Уфа давлат университети (Россия), Хоккайдо университети (Япония), Белоруссия давлат университети (Белорусия)да фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Дунёда компетенциявий ёндашув асосида физика фанини ўқитиш, олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ташкил этиш, таълимда ахборот технологиялари ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, хусусан, қуйидаги илмий натижалар олинган: компетенциявий ёндашув асосида ўқитишнинг замонавий технологиялари (Leiden University); компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш ва унинг самарадорлиги (Polish Society for Human Evolution Studies); ўқитувчи ва талабаларни турли фаолиятини интеграллаш асосида физика фанини мазмунини ўзлаштириш (Center for Cellular and Molecular Biology); физика фанига оид компетенцияларини такомиллаштиришга йўналтирилган амалий-ўқув масалалар ((OECD) Organization for Economic Cooperation and Development)дан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган.

Жаҳон олий таълим тизимида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотларда мутахассисларни тайёрлаш босқичлари, услуб ва шакллари ишлаб чиқилган, талабаларда шакллантириладиган компетентлиликнинг мазмун моҳияти, шакллантириш механизмлари, талабалар ижодкорлигини ривожлантиришда қобилиятнинг аҳамияти, ҳамда амалиётга татбиқ эта олиш маҳорати даражалари бўйича технологиялар (National Institute Of Technical Teachers Training And

² https://nclab.com/unr-da/?gclid=EAIaIQobChMIstaZqfK49QIVGNtRCh3MYgMVEAAAYASAAEgJDyFD_BwE;
<https://uni-bayreuth.de/en;> <https://www.kent.ac.uk;> <https://www.nord.no/en;> <https://www.nus.edu.sg;> <https://rusoil.net;>
<https://rusoil.net;> <https://www.hokudai.ac.jp;> [bsu.by;](https://www.bsucy.com/) [https://www.ccmbr.res.in;](https://www.ccmbr.res.in/) Гоулман Д. Эмоциональный интеллект в бизнесе. – М.: «Манн, Иванов и Фербер», 2013. – С. 512; Митина Л.М. Профессиональная деятельность и здоровье педагога: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: «Академия», 2005; Хуторской А.В. Технология проектирования ключевых и предметных компетенций. Инновации в образовательной школе. Методы обучения: сборник научных трудов. – М.: ГНУ ИСМО РАО, 2006. – С. 65-79; Бермус А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентностного подхода в образовании. – М.: «Эйдос», 2005.
[http://www.eidos.ru/journal/2005/0910-12.htm.;](http://www.eidos.ru/journal/2005/0910-12.htm;) [https://www.oecd.org/about/;](https://www.oecd.org/about/) <https://www.nitttrc.ac.in;>
<https://www.snnu.edu.cn;> <https://www.princeton.edu>

Research (Ҳиндистон)); таълимнинг инновацион технологиялари, ўқитишнинг ноанъанавий шакл, метод ва воситалари, стратегик технологияларни қўллаш ва ижтимоий таълимий ҳамкорлик масалалари, талаба ва ўқитувчи ҳамкорлигини тизимли ташкил этиш, ўзаро тажриба алмашиш дастурлари (Shaansi Normal University (Хитой)); техника олий таълим муассасаларида талабаларнинг ижодкорлигини лойиҳалаштириш ва моделлаштиришга йўналтирилган компетенциявий ёндашув, олий таълим муассасаларида ўқитишнинг лойиҳали-конструктив жараёнининг мазмуни ишлаб чиқилган (Princeton university (АҚШ)).

Жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтларида олий таълим муассасаларида физика ўқитиш методикасини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, талабалар компетентлигини ривожлантиришга оид таълимнинг янги (ҳамкорликда, турли даражали, ривожлантирувчи, дастурлаштирилган ўқитиш) методик таъминотини ишлаб чиқиш, физика ўқитиш методикасини инновацион ривожлантириш механизмларини жорий этиш ва сифатини баҳолаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз узлуксиз таълим тизимида ўқитишнинг муаммолари, таълим муассасаларида таълимни ташкил этиш масалалари бўйича Б.Абдуллаева, Р.Джураев, Р.Исянов, Н.А.Муслимовлар илмий-тадқиқот олиб борган. Олий таълимда физика фанини ўқитишда талабанинг назарий билими, амалий кўникма ва малакаларини такомиллаштириш ва касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари Г.Карлыбаева, Б.М.Мирзахмедов, Ю.Ф.Маҳмудов, К.Мўминхўжаев, Ю.Пўлатов, К.Турсунметов, Н.Ш.Турдиев, Б.Тўраев, Ж.Усаровлар³ ишларида тадқиқ этилган.

МДҲ мамлакатлари тадқиқотчиларидан таълимда компетенциявий ёндашув масалалари З.М.Большакова, О.А.Иманова, Н.А.Коновалова, С.А.Королькова, Н.Ф.Радионова, А.Н.Скляренко, А.В.Тимова, И.А.Зимняя, физика ўқитиш

³ Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (Ижтимоий-гуманитар йўналишлардаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида): Пед. фан. докт. ... дисс. автореф. –Т., 2006, - 49 б. 49.; Джураев Р.Х. Организационно - педагогические основы интенсификации системы профессионального подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс. ... докт.пед.наук. –Т.: 1995. - 43с.; 68. Исянов Р.Г. Кластерный подход в формировании модульной компетентности преподавателей высших образовательных учреждений. – Ташкент: ТГПУ, 2014. – 69 с.; 104.; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент: ТДПУ, 2007. – 47 б.; Карлыбаева Г.Е. Физика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш-тириш. Дарслик. –Тошкент: Turon-Iqbol, 2018, - 233 б.; 95.; Мирзахмедов Б.М., Гофуров Н., Ибрагимов Б., Сагатова Г. Физика ўқитиш методикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 2002.; Мирзахмедов Б. Масалалар ечиш фикрлашни талаб этади. «Маърифат» газетаси. 2004 йил 10 апрель.; Маҳмудов Ю.Ф. Физикадан савол-масалалар тўплами (8-10 синфлар учун). Ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, -1994. -224 б.; 88.; Мўминхўжаев К., Хуторская Л. Физикадан мустақил ишларни ташкил этиш. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 142 б.; Пўлатов Ю.П., Норов Ш. Физикадан экспериментал ва сифат масалалар. // Ж. Халқ таълими. -2001. -6-сон. -Б.67-69.; Турсунметов К.А., Узоқов А.А., Бўрибоев И. Физикадан масалалар тўплами. – Т.: Ўқитувчи, 2003. –189 б.; Турсунметов К.А. ва бошқ. Физикадан масала ечиш методикаси. // Uzluksiz ta'lim. – Toshkent: 2015. – №2. – Б. 3–10.; European Journal of Educational Applied Psychology. – Vienna, 2016. –№2. – р. 66.; 146.; Турдиев Н.Ш. Физика: Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. – Т.: Картография, 2005. – 160 б.; Турдиев Н.Ш. Физика: Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик. – Т.: «Турон Иқбол» нашриёти, 2006. – 160 б.; Тўраев., Султонова Ў.Н. Физикадан савол ва масалалар тўплами, 2018. -365 б.; Усаров Ж.Э. Физика ўқитиш жараёнида ўқувчилар компетенция-ларини ривожлантиришнинг дидактик жиҳатлари. Монография. – Тошкент: «Mashhur-press», 2019. - 192 б.

методикасини ривожлантириш масалалари бўйича Б.А.Буров, С.Е.Каменецкий, В.Т.Разумовский, А.В. Усова, Ю.И. Диклар⁴нинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Хориж олимларидан таълимда компетенциявий ёндашув масалалари юзасидан дастлабки қарашлар F.Delamare ва J.Wintertonлар томонидан, таълимда компетенциявий ёндашув масалалари Т.В.Grebenok, I.A.Zyazuna, U.D.Reytman⁵лар илмий-тадқиқот ишларида олиб боришган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетидан ПЗ - 20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади. Компетенциявий ёндашув асосида олий таълим муассасаларида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

техника олий таълим муассасаларида физика ўқитиш методикасини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштиришнинг фалсафий, педагогик, психологик имкониятларини таҳлил этиш;

физикани ўқитишнинг методик жиҳатларига ижодий ёндашувнинг таркибий қисмлари мазмунини аниқлаш;

талабаларнинг физикадан билим сифатларини ошириш моделини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш;

физикага оид таянч компетенцияларни махсус фанлар, ишлаб чиқариш бирлашувини таъминлаш орқали техник муҳандислар тайёрлаш методикасини такомиллаштириш;

⁴ Большакова З.М, Тулькибаева Н.Н. Компетенции и компетентность // Образование. Педагогические науки. №4. – Челябинск, 2009. – С. 13-19.; Иманова О.А. Методика развития деятельностной компоненты медиакомпетентности учащихся старших классов средствами информационных технологий. Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Киров, 2010.; Коновалова Н.А. Развитие медиакультуры студентов педагогического вуза. Дисс. ... канд. пед. наук. – Вологда, 2004.; Королькова С.А. Компетентностный подход в профессиональном обучении // Вестник ВолГУ. Серия 6. 2008–2009. – С. 29-33.; Радионова Н.Ф. и др. Компетентностный подход в педагогическом образовании // Электронный научный журнал «Вестник Омского государственного педагогического университета». – Петербург, 2006. www.omsk.edu.; Складенко А.Н. Технология формирования компетенций // методические рекомендации для преподавателя. – Москва, 2011. – 106 с.; Тимова А.В. Интерактивные методы как способ формирования профессиональных компетенций студентов // NovaInfo.Ru, №19, 2014. – С. 1–4.; Зимняя И.А. Компетентностный подход. Каково его место в системе современных подходов к проблемам образования? (теоретико-методологический аспект) // Высшее образование сегодня. 2006. № 8. – С. 20–26.; Буров В.А. Проблемы учебного физического эксперимента. Ж. Физика в школе. -№ 7. -2001. -С.3-7. Буров В.А., Дик Ю.И. таҳрири остида. Ўрта мактабда физикадан практикum. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 150 б.; Каменецкий А.Г. Экспериментальные задачи по физике и методика их решения в вузе. Механика. –Симферополь, 1981. -234 с.; Разумовский В.Г. Физика ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш. //Ўқитувчилар учун қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1989. -284 б.; Усова А.В., Вологодская З.А. Развитие познавательной самостоятельности и творческой деятельности учащихся в процессе обучения физике. – Челябинск: Факел, 1996. –126 с.; Физический практикум для классов с углубленным изучением физики. Под ред. Ю.И.Дика, О.Ф.Кабардина. -М.: Просвещение, 1993. -256 с.

⁵ Delamare F. & Winterton J. What is Competence? – Human Resource Development International, Vol. 8, No.1, March 2005. pp. 27–46.; Гребенюк О.С., Гребенюк Т.Б. Теория обучения. Учебник для студ. высш. учеб. заведений. –М.: Владос-пресс, 2003. -384 с.; Зязюна И.А. Основы педагогического мастерства // Учебное пособие. – М.: Просвещение, 2012. – 302 с.; Рейтман У.Д. Познание и мышление. Пер. с англ. –М.: Мир, 1968. –385 с.

талабаларни касбий компетентлигини ташхис қилиш, мустақил ўқув фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш ҳамда физика ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш истиқболларини стратегик аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида техника олий таълим муассасаларида физика ўқитиш методикасини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш жараёни бўлиб, Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат техника университети Термиз филиали, Жиззах политехника институтларидан жами 459 нафар талаба иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини техника олий таълим муассасаларида физика ўқитиш методикасини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш) усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий техник таълим муассасаларида физика фанини ўқитишнинг методик тизими ўқитувчининг инновацион фаолияти, талабанинг мустақил таълим олиши дидактик жараёнининг педагогик-психологик компонентларини инновацион таълим муҳитида тажриба фаолияти вариативлигини соддалаштириб бориш асосида аниқлаштирилган;

физикани ўқитишнинг методик жиҳатларига ижодий ёндашувнинг таркибий қисмлари бўлажак техник муҳандисларга индивидуал психологик мотивацион-ҳиссий ва иродавий хусусиятлари ҳамда талабанинг ўқув фаолиятини индивидуаллиги ва вариативлигига касбий фронтал лаборатория ишларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг физикадан билимлари сифатини ошириш модели физикага концептуал асосларга таянган ҳолда, физикани ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг методологик, фаолиятли-технологик, шахсий-натижавий даражаларининг қайта алоқага киришувининг интенсивлигини таълим жараёнларини касбий дифференциаллаштириш асосида такомиллаштирилган;

физикага оид мотивацион-қадриятли, образли, амалий компонентлари муаммоли ва контекстли ўқитишнинг экспериментал жиҳатларини ошириш, талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириш, экспериментал фаолиятини индивидуаллаштириш ҳамда ўзгарувчанлик муҳитини фанлараро практикум параметрларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак техник муҳандисларни тайёрлашда физикадан мустақил ўқув фаолиятига компетенциявий ёндашув ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш истиқболларини стратегик аниқлаш асосида такомиллаштирилган, касбий физика курси бўлимларидан лаборатория ишларини илмий йўналтириш, талабалар томонидан ўзлаштириш даражаси бўйича аниқлашга қаратилган

баҳолаш мезонлари ва модулли ўқитиш индикаторларини киритиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Бўлажак техник муҳандисларнинг касбий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш технологиялари, физикани компетенциявий ёндашув асосида ўқитишда талабаларнинг мустақил ўқув фаоллиги, инновацион қизиқишларини ривожлантириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади ҳамда тадқиқотга мос ҳолда, илмий мақолалар, қўлланма, дарсликлар чоп этилди ва амалиётга татбиқ этилди. Жумладан, “Физика фанидан савол ва масалалар” дарслиги чоп этилди.

Талабалар компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган таълим технологиялари (таълим жараёнида қўлланиладиган интерфаол методларда талабаларнинг фикрлаш қобилиятини ошириш, фаолиятли-шахсга йўналтирилган таълим мазмунини жорий этиш тамойиллари) такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз ва хорижда яратилган педагогика ва махсус педагогикага оид илмий ва илмий-методик тадқиқотларга, шунингдек, амалиётчи-ўқитувчиларнинг тажрибасига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда илгари сурилган илмий ғояларнинг ўтказилган тажриба-синов натижаларидаги ижобий ўзгаришлар билан тасдиқланганлиги ва ишончлилиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган такомиллаштирилган методик тизимдан техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан исботланди. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва натижаларининг техника олий таълим муассасаларида қўлланилаётгани ҳамда янги авлод ўқув адабиётларини яратишда такомиллаштирилган методик тизимдан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ижодий масалалар ечиш назарий билимлар орқали уларнинг касбий фаолиятига ёндашув асосида тизимли йўналтирилганлиги физика ўқитиш орқали ўқув жараёнида ахборот-коммуникация ва инновацион технологиялар асосида бўлажак мутахассислар тайёргарлигини такомиллаштиришга хизмат қиладиган маълумотларнинг қабул қилиниши билан изоҳланади. Талабаларнинг машғулотларда ўқув фаолиятини ташкил этиш асосида хулосалар чиқариш, олинган назарий билимларини амалиётга қўллаш кўникма, малака ва компетенцияларини шакллантириш имкониятлари аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Компетенциявий ёндашув асосида олий таълим муассасаларида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

бўлажак техник мутахассисларга физика ўқитишнинг методик тизими (мақсад, мазмун, шакл, восита ва метод) ижодий ёндашув ўқитувчининг инновацион фаолияти, талабанинг мустақил таълим олиши, англаш, хотирада сақлаш, олган билимларини амалиётга қўллаш, татбиқ этиш, мазмунининг таркибий қисмлари талаба ва ўқитувчининг ўзаро боғлиқлиги асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Физика фанидан савол ва масалалар” номли дарслик яратилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-сон буйруғига асосан берилган 356-006 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, физика ўқитишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш ва замонавий педагогик технологиялар физика фанини ўқитишда қўллаш имкониятларини аниқлашга эришилган;

бўлажак техник муҳандисларга физика ўқитишнинг индивидуал ва психологик, мотивацион-ҳиссий ва иродавий хусусиятлари ҳамда талабанинг мувофиқлаштирувчи ўқув ва амалий фаоллигини стратегик диагностикага устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 3 декабрдаги 02-07-3904/04-сон далолатномаси). Натижада, компетентли ёндашувни физика фанини ўқитишдаги ўзига хос назарий методологик ва амалий фаолият жиҳатларини аниқлашга эришилган;

компетентли ёндашув асосида фанлар интеграцияси физика курси ва касбий фанларни ўзаро боғлиқлиги воситаларидан фойдаланиш таълимнинг уч томонлама бирлашувини таъминлаш жараёни ва мотивацияси модели яратилиб талабанинг билим, ижодкорлиги инновацион қобилияти ва қизиқишларини баҳолаш мезонлари, изланувчанлигини аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда ривожлантириш механизмини аниқлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Физика фанидан савол ва масалалар” номли дарслик яратилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-сон буйруғига асосан берилган 356-006-рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, бўлажак техник муҳандисларни тайёрлашда физика фанини ўқитишнинг педагогик моделини такомиллаштириш имкони яратилган;

физика фанидан маъруза, лаборатория ва амалий машғулотларни талабаларга индивидуал ва табақалашган “Шахсга йўналтирилган таълим”, “Ақлий ҳужум”, “Дидактик ўйин”, STEAM”, “Блиц”, “Кейс стади” технологиялари босқичларига устуворлик бериш асосида таълимнинг янги моделини амалиётга татбиқ этиш технологияси такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Физика фанидан савол ва масалалар” номли дарслик яратилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-сон буйруғига асосан берилган 356-006-рақамли нашр рухсатномаси).

Натижада, фанлараро ўқув машғулотидаги таянч тушунчаларнинг алоқадорлик кўрсаткичлари мезонларини аниқлашга эришилган;

ўқитувчи ва талабаларнинг фаолиятини ижодий муҳит яратувчи креатив ёндашувлар ўқитувчининг инновацион фаолияти, талабаларнинг мустақил таълим олишга таянган ҳолда ўқитувчи ва талабаларни турли фаолиятини интеграллаш асосида физика фани мазмунини ўзлаштиришга оид илмий-методик қўлланма ва дарсликлар ишлаб чиқариш бўйича тавсиялар ПЗ - 2017927124 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 3 декабрдаги 02-07-3904/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак техник муҳандисларнинг касбий қобилиятини оширишнинг методик таъминоти такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 илмий иш, шу жумладан, 1 та дарслик, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан 9 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 232 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида техника олий таълим муассасаларида физика ўқитишда компетенциявий ёндашувнинг ҳозирги ҳолати, физика таълимида компетенцияларни шакллантиришнинг психологик ва педагогик асослари, физика ўқитишда талабаларда шакллантириладиган таянч компетенциялар ёритиб берилган.

XXI асрдаги таълим тизимининг ўзига хос жиҳатларидан бири, техника олий таълим муассасаларида талабаларнинг олган билимларини ҳаётда қўллай олишларига бўлган талаб, Давлат таълим стандартлари ва дастурларининг такомиллаштирилиши, компетенциявий ёндашувнинг таълим тизими мазмунига сингдирилиши, унинг таълим натижаларига эришиш концепциясини шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 март ПҚ-5032-сон қарорида “физика соҳасида таълим сифатини ошириш, чуқурлаштириб ўқитиш ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилинишининг самарали механизмини яратиш” каби устувор вазифалар белгиланган. Бу эса, физика фанини ўқитиш методи ва мазмунини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилишини талаб этади. Техника олий таълим муассасаларида ўқитиш тизимини янгилаш ва таълим истеъмолчилари бўлган олий таълим, оналар ва жамоатчиликни қониқтирмай қўйганлиги учун, муаммо, талабаларнинг олган билимларини қайта намоён қила олишса-да, лекин уни мустақил равишда кундалик ва келажак фаолиятида қўллашга тайёр эмаслигида эканлиги таъкидланган. Шу асосда, ҳукумат топшириғига мувофиқ таълим тизимида ислоҳотлар ўтказилмоқда. Бундаги ўзгаришлар марказида таълим мазмуни, ўқитиш методикаси ва таълим жараёни технологияси туради. Бугунги кунга қадар компетенциявий ёндашувнинг илмий мезонлар базаси турлича қарашлар, ёндашувлар асосида бойитилмоқда. Бу йўналишда турли хусусий, илмий-методик ишланмалар мавжуд. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим бугунги кунда ўзининг етарли даражада илмий ва методик жиҳатдан тадқиқ қилинмаганлиги сабабли баъзи зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ва турли мулоҳазаларга сабаб бўлувчи мавзу ҳисобланади. Бу ҳақда Ж.Делор, В.Хутмаҳер ва рус олимлари А.К.Маркова, Н.В.Кузминалар турлича фикр билдирди. Биз илмий ишимизда А.А.Вербицкий ва О.Б.Ермаковаларнинг компетенциявий ёндашув юзасидан “талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларини амалиётда қўллаб, юқори сифат даражасига кўтарилиши лозим” деб таъкидлаган фикрларини асос қилиб олдик.

Компетентлилик «билим даражаси» сифатида «у ёки бу объектнинг моҳиятан реаллигини тафаккур қила олиш» масаласининг назарий жиҳатларини ўзлаштиришга қаратилган фаолият тушунилади. Бизнинг тадқиқот ишимиз таянч, фанга оид, амалий, фан ва ҳаётий кўникмаларни ўз ичига олади. Шунга кўра, компетенцияларни учта даражага бўлиш мумкин: таянч компетенциялар – таълим мазмунининг умумий (метапредмет) қисмига тегишли; умумфанлар компетенциялари – маълум доирага кирувчи ўқув фанлари ва таълим соҳаларига тегишли; ўқув фанига оид компетенциялар. Фанга оид компетенциялар дейилганда, талабанинг объектив борлиқда зарурий равишда шахсий ва ижтимоий самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган билимлари, кўникмалари, малакалари, фаолият тажрибаси, мантиқий фикрлаши, мотивацияси ва мазмунан йўналтирилганлиги назарда тутилади. «Тажрибалар ўтказиш, физик катталикларни ўлчаш ва хулосалар чиқариш» ҳамда «Физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш» компетенциялари ва уларнинг физика ўқув фанини ўрганиш босқичларида қўлланилади.


Техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитишнинг мақсади Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастуридаги мақсадлар билан чекланган бўлиб, талаба билим, кўникма ва малакаларини амалиётга қўллай олмайди. Шу боис техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув зарурияти мавжудлигини белгилайди. Талабалар касбий компетентлиликка қуйидаги элементлар киради: зарурий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш; фаолиятни бажариш қобилиятини аниқловчи шахсий хусусиятлар; касбий хусусиятлар тўплами.

Компетенциявий ёндашувга асосланган ёндашув талабанинг шахсий мақсадлари ва вазифалари билан таълим жараёнининг асосий иштирокчисига айланади. Ушбу ёндашув талабани фаол, онгли фаолиятга жалб қилиш, ахборот, коммуникатив, таълим ва билиш қобилиятларини, шахсий салоҳиятини ривожлантириш, ўз-ўзининг кадр-қимматини шакллантириш, ўз-ўзини бошқариш қобилиятини ривожлантиришга имкон беради (1-расм).



1 – расм. Талаба касбий компетентлиги элементларининг ўзаро боғлиқлиги.


Талаба қобилияти унинг компетентлиги орқали намоён бўлади. Талаба фазилатлари, мотивацияси, қобилияти комбинациясини қуйидагича вектор шаклида кўрсатиш мумкин ва унинг таркиби, билим, кўникма, малака ва касбий компетентлиги тўплами сифатида таҳлил қилинади (2-расм).



2-расм. Талаба компетентлигининг вектор шакли.

Демак, компетентлилик билим, кўникма, малака ва шахсий хусусиятлар йиғиндисидан иборат. шахсий натижалар; тизимли фаолиятига кўра; ўқув фанлари бўйича. Бу эса, таълим тизимини компетенциявий ёндашув асосида олиб боришни тақозо этади. Компетентлилик ва компетенциянинг ўзаро нисбатини кўрсатса, унда “компетенция” бирламчи, “компетентлилик”

иккиламчи эканлиги аён бўлади (3-расм). Берилган ахлоқий ўқувларга кўра, шахснинг у ёки бу соҳадаги компетентлиги шакллантирилади, компетентлик ва компетенцияларнинг интерференцияси (4-расм) асосида шахс компетентли деб ҳисобланади.



3-расм. Компетентлик ва компетенция тушунчаларининг анъанавий таълимдаги боғланиши



4-расм. Компетентлик ва компетенция тушунчаларининг интерференцияси

Тадқиқот ишларида таянч компетенцияларни тушунтирганда, ҳар бир талабага мос келадиган психологик ва педагогик қарашлар жараёнларининг, шунингдек, инсоннинг шахсий фазилатлари янада жадал шаклланишини таъкидлашади. Демак, ҳозирги ўқув жараёнини компетенциявий ёндашувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Талабалар онгли равишда таҳлил қилиш, моделлаштириш, тадқиқот олиб бориш кераклигини ҳис этишлари учун, таъкидлаш лозимки, таълим соҳасида ҳозирги вақтда таълимда талабаларга компетенциявий ёндашув асосида билим бериш юқори натижа бермоқда.

Талабаларнинг ижодий индивидуаллигини ривожлантириш, улардаги ижодий қобилиятни аниқлаш, таҳлил қилиш, масала ечиш қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, ижодий изланувчанлигини ривожлантириш, эгалланган билими, кўникма, малакаларини янги вазиятда мустақил қўллаш олиши маълум бўлган вазиятда янги пайдо бўлган муаммони олдинги муаммо билан таққослаш хислатларини шакллантириш; бўлажак техник муҳандисларни тайёрлашда илмий изланиш зарурлигини тушунтириш; талабаларни инновацион ишларда фаолият кўрсатиб, муаллифлик дастурини яратишига тайёрлаш, янгиликларни амалиётга татбиқ этишда кузатилган қийинчиликларни бартараф этиш; амалий ишларни ташкил этиш, кузатиш, таҳлил этиш, ўзини ўзи таҳлил этишига ўргатиш ва инновацион муҳит яратиш орқали инновацияларга бўлган муносабатини таркиб топтириш, инновацион такомиллаштириш жараёнида улар ўз билими, келажакка нисбатан ишонч ҳосил қилиб, ўз ижодий ишларини, танланган касблари учун ижодий қўллаб масъулият ҳис этадилар ҳамда касбий компетентлиги, ижодий фаолиятини ва режа туза олиш билан уни амалга ошириш масъулияти пайдо бўлади ва ривожланади.


Диссертациянинг **“Компетенциявий ёндашув асосида техника олий таълим муассасаларида физика ўқитишнинг дидактик тизими”** деб номланган иккинчи бобида компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитишни такомиллаштиришда замонавий таълим технологияларининг қўлланилиши, касбий компетентликни шакллантиришда индивидуал ва табақалашган ёндашув, талабаларда физика фанига оид компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган амалий-ўқув масалалари ёритиб берилган.

Техника олий таълим муассасаларида физика фанини ўқитишнинг мақсади билим, кўникма, малака ва компетентлиги шаклланган, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган шахсни тарбиялашдан иборатдир. Мақсад – олдиндан

белгиланган натижага эришиш махсули бўлиб, таълим жараёнида унинг субъектлари (ўқитувчи ва талаба)нинг биргаликдаги фаолияти якунида юқори самарадорликка эришишдир (5-расм).

Техника олий таълим муассасаларида физика бўлимларини ўқитиш методикасини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштиришда: ўқув мазмунини танлаб олиш, дидактиканинг қонун-қоидалари ва методларига: физика ўқув фан дастурларини тузишда, унга қўйилган талаб ва талабалар интеллектини ривожлантириш, фикрлашини кенгайтириш омилларига; тевақатрофдаги ҳодисаларнинг юз бериш қонуниятларини очиқ беришга; ишлаб чиқариш, фан-техника ва технологиянинг ривожланишига; талабалар турли фаолиятида дуч келадиган муаммоларни ижобий ҳал этиб, самарали фаолият юритишга олиб келадиган амалий кўникмаларни ривожлантиришга эришилади.

Физика ўқитишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш компетенциявий ёндашувга асосланган таълим мазмуни, таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш, талабалар компетентлигини ривожлантириш орқали касбга тайёрлашни назарда тутишини кўрсатди. Дарсда қўлланиладиган технологиялар асосий омиллардан ҳисобланади. Таълим технологиялари талабалар компетентлигини ривожлантиришда бир қатор имкониятларга эга. Дарс туридан қатъий назар, ундаги муаммо талабаларни ижодий фикрлашга, фаоллаштиришга, компетенцияларни шакллантиришга қаратилган бўлиши лозим.



5-расм. Техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитишнинг ҳозирги ҳолати.

Талабаларни фаоллаштиришга асосланган технологиялар ҳам турлича бўлиб, улар муаммоли таълим, лойиҳалаш, тренинг ёки интерфаол. Таълим технологиялари дарс мақсади ва таълим мазмунидан келиб чиққан ҳолда танланади. Масалан, муаммоли таълим жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида маълум ўқув муаммоси қўйилиб, талабаларга уни ечиш вазифаси берилади. Бунда талабаларнинг ижтимоий фаоллиги, ўзаро мулоқотга киришиши ва муаммонинг ечимини қидиришда математик саводхонлик, фан техника ютуқларидан фойдаланиш компетенциялари шаклланади. “STEAM”, “Блиц”, “БББ”, “3x3”, “Электр занжирлар”, “Формулаларни ўрганиш” методларидан фойдаланилди.

Техника олий таълим муассасаларида таълим бераётган профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқиладиган ва фойдаланиладиган ўқитиш технологиялари, бўлажак техник-муҳандисларга касбий компетентликнинг қарор топиши, таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, ўз касбини эгаллашнинг аҳамиятли бўлган дастлабки негизини яратишга, келажакда касбий фаолиятни юқори даражада амалга ошириш учун назарий, амалий ва мотивацияли тайёргарликнинг босқичма-босқич шаклланишига ёрдам беради. Анъанавий ва компетенциявий ёндашувга асосланган таълимнинг қиёсий таҳлили куйидагича:

келтирилган тавсифларни таҳлил этиш натижасида билимлар изланиш ва фикрлаш фаолиятлари, ижод жараёни маҳсули сифатида турли хил шаклларда тизимли, фанлараро ҳамда умумлаштирилган ҳолда аниқлаб олиш мумкин (1-жадвал);

компетенциявий ёндашув асосида ташкил этилган дарсларда талабаларни фаоллаштириш учун индивидуал ва табақалашган ёндашувдан фойдаланамиз. Дарс давомида талабаларга табақалаштирилган ёндашиш деганда, мустақил ўқув фаолиятини бошқаришнинг шундай тизими тушуниладики, бунда талабаларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади. Бу талабаларнинг билиш фаолиятини маълум тизимда бошқариш билан борадиган ўқув-тарбиявий жараён. Шунга мос ҳолда ўқитишни ташкил этиш индивидуаллаштирилган ўқитиш дейилади.

Амалиётда физика ўқитишни табақалаштиришнинг турлича шакллари мавжуд. Масалан, турлича тайёргарлик ва мустақиллик даражаларга эга бўлган талабаларга мўлжалланган I, II, III даражали қийинчиликдаги топшириқлар берилади. Табақалаштиришнинг асосий принципи сифатида ўқув материални тўхтовсиз соддалаштириш эмас, балки ўқитувчи томонидан талабаларга табақалашган ёрдам бўлиши лозим. Ўқув амалиётида табақалашган ёндашувни қўллаш учун “маслаҳат-карточкалари”дан фойдаланилади, амалий дарсларда талабаларнинг бирига масаланинг ечими берилган бўлса, бошқасида масаланинг чизмаси ёки графиги йўлланма сифатида берилади. Бошқа бир ҳолда эса, андоза сифатида берилган масалага ўхшаш масаланинг ечими берилади. Натижада, барча талабалар амалий машғулотда битта масалани ечишади, аммо уларга кўрсатилган йўлланма ва маслаҳатлар бир-биридан фарқ қилади.

Гуруҳдаги кучлироқ талабалар учун IV, V даражали топшириқлар берилади. Бундай топшириқлар дарсликларга киритилган бўлиши ёки ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлиши шарт. Натижада талабаларнинг барчаси дарсда фаол иштирок этади. Бунинг натижасида, физика дарслари куйидагича такомиллаштирилади:

техника олий таълим муассасаларида физика ўқитиш методикасини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштиришда физикадан масалалар ечиш жараёни талабаларни мантиқий фикрлашларини кенгайтириш, ижодий-илмий изланишлари ва қобилиятлари ривожлантиришга мўлжалланган. Физика фанидаги физик ҳодисаларнинг туб моҳиятини чуқурроқ тушуниб, қонунларидан амалда қўлланишини ўрганади.

Масалан, электромагнит индукция ҳодисасидан, трансформатор, генератор, двигателларнинг ишлаш тамойилларини ўрганади, амалиёт учун аҳамиятли эканлигини англайди.

1-жадвал

Анъанавий ва компетенциявий ёндашувнинг қиёсий таҳлили.

Т/р	Таълим жараёнини дидактик элементлари	Анъанавий ёндашув	Компетенциявий ёндашув
1.	Мақсадлар	Билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган	Компетентлиликни ривожлантиришга йўналтирилган
2.	Таълим дастурлари (таълим мазмуни)	Давлат таълим стандартини амалга оширади	Касбий-таълимий дастурларни ўзлаштиришга қаратилган индивидуал ҳаракатлар траекторияси
3.	Таълимни ташкил этиш шакллари	Ўқув соатлари хажмининг аудиторияда 60%, аудиториядан ташқари 40 % миқдорда ташкил этилиши	Индивидуал ва фронталь кўринишда ишлаш
4.	Педагогик жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари	Ўқитишнинг -аудитория тизими доирасидаги анъанавий методлар	Индивидуал ва компетенциявий ёндашувга йўналтирилган ноанъанавий методлар
5.	Педагогларнинг фаолият жараёнидаги ўрни	“Насихатгўй”, “ахборот берувчи”, “баҳоловчи”	“Ҳамкор”, “маслаҳатчи”, “ёрдамчи”, “воситачи”
6.	Таълим оловчиларнинг фаолият жараёнидаги ўрни	“Тингловчи”, “қабул қилувчи”, “хотирасида сақловчи”	“Ҳамкор”, “тажриба ўтказувчи”, “тадқиқотчи”, “конструктор-яратаувчи”, олган билимларини нотаниш вазиятларда қўлловчи
7.	Таълим муассасасини бошқариш тузилмаси	Тузилма техника олий таълим муассасаси фаолиятини юритишга йўналтирилган	Тузилма техника олий таълим муассасасини ривожлантиришга йўналтирилган
8.	Таълимни ривожлантириш технологияларини қўллаш	Таълим технологиялари билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга хизмат қилади	Амалий фаолиятда лаёқатлилик ва бир вазиятдан бошқа вазиятга ўтишда ижодий ёндаша олиш компетентлиги ривожланади
9.	Таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш	Билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишини текширишга йўналтирилган	Мутахассиснинг касбий ва шахсий сифатлари ривожланиш даражасини аниқлашга йўналтирилган

2-жадвал

Техника олий таълим муассасаларида физика ўқитиш методикасини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш босқичлари

Т/р	Мазмуни	Амалга ошириладиган ишлар
1.	Физик тушунчаларни назарий умумлаштириш орқали эмпирик хулосаларни шакллантириш ва фанга оид компетенцияларни ривожлантириш	педагогик кузатишларни олиб бориш, физика ўқитиш жараёнида ўқитувчи ва талаба фаолиятини таҳлил қилиш; физика ўқитиш воситалари, метод ва шакллари илмий ўрганиш ва уларни қўллаш методикасини лойиҳалаш; физика ўқитиш жараёнини режалаштириш ва методларини қўллашнинг дастлабки тажрибаларини шакллантириш; физика курси материалларини тизимлаштириш ва талабалар томонидан ўзлаштирилиши; талабаларнинг асбоб-ускуналар билан танишиши, эксперимент ўтказиш қўникмаларини шакллантириш; талабаларнинг амалий машғулотлар даврида таниш ва нотаниш вазиятларда билимларини номойиш этиши ва амалиётда қўллаши.
2.	Амалий ишлар билан назарий билимларни умумлаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш компетенциясини ривожлантириш	талабалар томонидан физика фани бўйича билимларни умумлаштира олишлари (умумий саволлар, физик қонуният ва тушунчаларни шакллантириш, хусусий саволлар); талабаларнинг оддий педагогик тадқиқот ўтказишда тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантириш; таалабаларни физикадан экспериментлар ўтказиш ва носозликларни аниқлаш ва ундан фойдаланиш, масалалар ечишга ўргатиш.
3.	Кенгайтирилган эмпирик хулоса, қонуниятларни тушуниш ҳамда таянч ва фанга оид компетенцияларни ривожлантириш	Физика ўқитишнинг компетенциявий ёндашувга асосланган замонавий технологияларини ўрганиш ва уларни қўллаш тамойилларини ишлаб чиқиш; талабаларнинг физика фанини ўрганиш давомида зарур меърий хужжатлар ва унинг амалиётдаги аҳамиятини ўрганиши; талабаларнинг физика ўқитиш жараёнида физик экспериментларни ўтказиш малакаси ва ундан амалиётда фойдаланиш ва масалалар ечишнинг турли усулларидан фойдаланиши; талабаларнинг физика фанини ўрганиш давомида стартап ва инновацион лойиҳалар яратиши ва кундалик турмушда фойдаланиши.

Масалаларни уларнинг моҳиятига кўра, икки турга ажратиш мумкин. Булар ижодий ва ижодий бўлмаган масалалар. Ижодий масала талабани мустақил фикрлашга, мантиқан ўйлашга, масаланинг мазмунини тўла-тўқис тушуниб олишга ундайди, бу типдаги масалалар бошқа типдаги масалалардан мураккаблик даражаси билан ажралиб туради. Ижодий масалаларни ечишда янги билимларни ҳам олдиндан эгаллаш керак бўлади ҳамда фанлараро интеграция муҳим аҳамиятга эгадир. Техника олий таълим муассасаларида физика фанини ўқитиш методикасини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш босқичларида ҳам ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги функциялари, ҳам талабаларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш босқичлари биргаликда қараб чиқилди (2-жадвал).

Ушбу босқичларда ўқитувчиларнинг таълим жараёни билан боғлиқ мустақил фаолияти, физика фани бўйича ўрганиладиган билимлар моҳияти чуқур ўрганилиб, тизимлаштирилиб чиқилиши, бу билимларнинг бошқа фанлар билан интегралланиши ва амалиётга татбиқ этилишига аҳамият қаратилади. Шунингдек, физика фанига оид ва таянч компетенцияларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш жараёнини қандай ташкил этиш зарурлиги муҳим.

Диссертациянинг **“Компетенциявий ёндашув асосида техника олий таълим муассасаларида физика ўқитиш методикаси”** деб номланган учинчи бобида компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш ва унинг самарадорлиги, талабалар компетентлигини ривожлантиришда таълим технологияларининг қўлланиш методикаси, талаба компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган физикадан тўғрақ машғулотлари баён этилган.

Компетенциявий ёндашув асосида таълимни ташкил этиш назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни такрорлаш, мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга, компетентли шахсни ривожлантиришга хизмат қилади. Мустақил ишлаш, тафаккур, кўникма ва малакаларнинг ривожланишига ёрдам беради, шахснинг иродасини чиниктиради. Ўқитишнинг бу методлари талабаларни мустақил меҳнат фаолиятига ва ўрта мактабни битирганидан сўнг ўқишни давом эттиришга тайёрлашда катта аҳамият касб этади. Ҳатто талабалар етарли тайёргарликка эга бўлмаса ҳам мустақил ишлаш методидан воз кечмаслик керак. Аксинча, талабаларга ёрдам бериб, мустақил ишлаш элементларини киритиш лозим. Барча талабаларда билиш мустақиллигини ривожлантириш, мустақил ишлаш даражасини аудиториядан-аудиторияга ошириб бориш муҳим.

Натижада, малакали мутахассисларни тайёрлашда таянч, умумкасбий ва касбий компетентларни шакллантиришда ва касбий-педагогик ижодкорликни ривожлантиришда таълим мазмуни ва компетенциявий ёндашув муҳимдир. Талабаларнинг мустақил ўқув методларидан бири бу баён қилинган факт ва материалларни мустақил таҳлил қилиш ҳамда янги тушунчалар моҳиятини ва фаолият методларини очиш бўйича талабалар мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилишдан ва ўз-ўзини англаш компетенциясини шакллантиришдан иборат. Изланиш методининг моҳияти шундан иборатки, янги қонун, қоидаларни кашф этиш талабалар иштирокида ўқитувчи томонидан эмас, балки ўқитувчининг раҳбарлиги остида ва унинг ёрдами билан талабаларнинг ўзлари мустақил амалга оширади. Изланиш методи асосида ўрганишда, факт материал талабага ўқитувчи томонидан берилади ҳамда биргаликда таҳлил қилинади. Талаба ўқитувчининг ёрдамида янги тушунчанинг моҳиятини очиб беради. Тадқиқот тавсифидаги топшириқларнинг билишга оид топшириқлардан фарқи талабаларнинг мустақил ўқув-билиш фаолиятининг ахборотлар йиғиш ва уни таҳлил қилиш, муаммоларини мустақил равишда қўйишдан тортиб, уларни ҳал қилиш, ечимни текшириш ва янги билимларни амалда қўлланишгача бўлган циклни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Физика фанидан талабаларнинг


мустақил ўқув фаолиятини ривожлантириш физика ўқитиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун талабаларнинг мустақил фаолиятини ривожлантиришга қаратилган мустақил ишларнинг турлари ва шакллари аниқлаб олиш зарур.

Ижодий фаолият, мустақил фаолиятнинг энг юқори поғонаси. Ижодий фаолиятни ривожлантириш учун илмий кашфиёт, ихтиро, масалаларни ҳал эта олиш қобилиятлари англатадиган ижодий қобилиятни ўстириш лозим. Ижодий жараённинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у объектив ва субъектив томонларга эга. Объектив томони ижодкорлик маҳсулотнинг янгилиги, илмий янгилик, ихтиро ва бошқалардир. Ижодкорлик жараёнининг ўзи субъектив ўтади. Ижодий қобилиятни ўстиришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар бошқа қобилиятлар сингари фаолият даврида ривожланади. Демак, бу муаммони ҳал этишда ўқитувчининг асосий вазифаси физика ўқитиш жараёнида, талабаларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш шакллари, йўллари ва воситаларини қидириш ҳисобланади.

Қуйида ўқитувчилар томонидан талабаларга индивидуал ёндашув методлари келтирилган: 1-усул, жуфтликларда ишлаш. Кучли талабани кучлиси билан, ўзлаштириш кўрсаткичи паст талабани худди шундай талаба билан ёки кучли ва бўш ўзлаштирувчи талабаларни бирга гуруҳлаб жуфтлик ҳосил қилиш мумкин. Бунда юзага келадиган дўстликдан ажабланмаслик керак. Бунда, гуруҳда турли қобилиятли болалар орасидаги муносабатларга аҳамият қаратиш лозим бўлади. 2-усул, кичик гуруҳларда ишлаш. Гуруҳлар бир хил ёки турли даражада бўлиши мумкин. Агар гуруҳлар маълумотлар йиғиндиси устида иш олиб бораётган бўлсалар, уларнинг ҳар бирига маълумотнинг турли бўлагини бериб, бирга ишлашга йўналтирилади. 3-усул, вазифаларни фарқлаш. Бу метод ўзлаштириш даражаси турлича бўлган талабалар учун ҳар хил вазифалар ишлаб чиқишдан иборат. Масалан, бир мавзу юзасидан икки турдаги саволлар тузиш мумкин. Барча талабалар биринчи турдаги саволлар устида ишлашади, кучли талабалар иккинчи турдаги саволлар устида ҳам ишлашлари керак бўлади. Осондан қийинга қараб мураккаблашадиган саволларни доскага ёзиб қўйиш мумкин. 4-усул, қўшимча иш ёки вазифа. Талабаларга турли даражада уй вазифаси берилади. Суст ўзлаштирадиган талабаларга дарсда ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида қўшимча вазифа бериш ҳам мумкин. Кучли талабаларга уларнинг билими, кўникма ва малакаларини кенгайтирадиган, ижодий ёндашув талаб қилинадиган қўшимча вазифалар берилади. 5-усул, талабаларнинг исмларини айтиш. Талабаларнинг исмларини айтиб савол бериш методи орқали уларнинг диққат-эътиборини дарсга жалб қилиш мумкин. Масалан, агар "Учинчи рақамли саволнинг жавоби нима?" деб сўралса, бу очиқ савол бўлиб қолади. Сўрашдан олдин талаба саволга жавоб бера олиши ёки олмаслигини ўйлаш лозим бўлади. Талабаларни уялтиришдан қочиш керак. Кучли талабалардан қийинроқ савол ва бошқалардан осонроқ саволларнинг жавобини сўраган маъқул.

1. Ижтимоий эҳтиёж: Техника олий таълим муассасаларида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш

2. Мақсад: Компетенциявий ёндашув асосида техника олий таълим муассасаларида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш



Таълим натижаси: Компетенциявий ёндашув асосида касбий компетентли муҳандислар тайёрлаш

6-расм. Техника олий таълим муассасаларида техник муҳандисларни тайёрлаш модели

Аввал савол бериб, сўнгра талабанинг исмини айтиш мақсадга мувофиқ. Шунда ҳамма саволни тинглайди. 6-усул, кичик гуруҳларни ўқитиш. Агар гуруҳдаги баъзи болаларга ёрдам керак бўлса, гуруҳ бирор ёзма иш билан шуғулланаётган пайтда уларни кичик гуруҳда ўқитишга ҳаракат қилиш лозим. 7-усул, қўшимча таълим гуруҳлари. Дунёнинг баъзи мамлакатларида техника олий таълим муассасаларида дарсдан кейин ўзлаштириши паст талабалар учун қўшимча таълим гуруҳлари ташкил этилган. Бу гуруҳларда ўқитувчилар ёки юқори курслар талабалари томонидан иш олиб борилади. 8-усул, менторинг дастурлари. Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнини талабаларга интеллектнинг ҳар хил типларини жалб қилишни талаб этадиган тажрибалар орттириш имкониятини берадиган ҳолда ташкил этиш, дарс жараёнида талабаларнинг ахборотни қабул қилиш тоифаларини инобатга олган ҳолда, кўргазмали қуроллар ва дидактик воситаларнинг ҳар хил кўринишларидан фойдаланиш орқали компетенцияларни муваффақиятли шакллантириш мумкин.

Аудиториядан ташқари ишларни қуйидаги шаклларда ташкил этиш мумкин: якка тартибда: дарслик, ўқув қўлланма ва қўшимча адабиётлар, журналлар ўқиш; рефератлар тайёрлаш ва масалалар ечиш; сиртқи олимпиадаларда иштирок этиш; уй шароитида экспериментал топшириқларни бажариш; қўлда асбоблар ясаш; гуруҳларда: физика тўғарақлари; физика-техника тўғарағи; техника тўғарағи; илмий изланишлар гуруҳи; экскурсия; оммавий: физикадан олимпиадалар, викториналар; физик декада; кечалар; газеталар танлови.

Мазкур масалаларнинг методик ечими уларни ўзаро мужассам боғлайдиган, яъни талабаларда компетенцияларни шакллантириш моделини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради. Талабаларни компетенциявий ёндашув асосида ўз касбининг мутахассислари қилиб тарбиялаш учун юқоридаги таълим технологияларига эътиборни қаратиб қуйидагича модель асосида хулоса қилиш мумкин (6-расм). Ушбу модель асосан, педагогик жараён ва натижани очиб беришга хизмат қилиб, техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёнини самарали ташкил этиш танланган ёндашувлар, шарт-шароитлар билан ўзаро боғлиқдир.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва уни ўтказиш”** номли тўртинчи бобида педагогик тажриба-синов мақсад ва вазифалари, педагогик тажриба-синов натижалари ва математик-статистик методлар ёрдамида таҳлили баён этилган.

Педагогик тажриба-синов ишларининг мақсади техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика фанини ўқитиш методикасини ривожлантириш, талабаларни касбий ижодкорлигини ошириш, омилларини шакллантириш имконини берувчи педагогик шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш методикасини аниқлашдан иборат.

Режалаштирилган мақсадга мувофиқ қуйидаги вазифалар ҳал этилди. Техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитиш методикасини ёритиш мақсадида ўқув жараёнини ёритувчи ўқув-меъёрий ҳужжатларни ўқув режа, фан дастурларини ўрганиш орқали

талабаларни касбий ижодкорлигини ривожлантириш ҳамда таълим жараёнини ташкил этиш бўйича назарий маълумотларни ўрганиш ва умумлаштириш амалга оширилди. Анкета сўровлари ёрдамида талабаларнинг ижодкорлиги ва инновацион қобилиятини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишдаги асосий тушунчаларини ўзлаштирганлиги ҳақидаги маълумотларни аниқлаш. Талабаларнинг физика ўқитиш жараёнида касбий ижодкорлигининг шаклланиши даражасини фан мавзулари мисолида ҳамда амалий масалаларни ечиш ёрдамида аниқлаш. Тажриба-синов ишлари 2018-2020 йиллари мобайнида амалга оширилиб, 459 нафар талаба жалб қилинди. Тадқиқотнинг асосий тажриба-синов ишлари Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали, Жиззах политехника институти ва Тошкент давлат техника университетидан 3 босқичда олиб борилди. Асословчи тажриба босқичи.

Техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув орқали физика ўқитиш жараёнида талабаларнинг билим олиш даражаси, касбига қизиққанлиги ижодкорлигининг ривожланишига оид кўникма ва малакаларнинг компетенциявий ёндашуви асосида педагогик фаолият ташкил этилди. Кўзда тутилган мақсадга эришиш учун, талабаларнинг ўқув фаолияти кузатилди, улар билан анкета, суҳбат сўровлари ўтказилди. Бу ишлар тадқиқот йўналиш ва режаларини белгилаш имконини берди.

Бу борада олимлар, тажрибали педагогларнинг илмий ишлари таҳлил этилди, техника олий таълим муассасаларида физика ўқитишни компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш мақсадида, амалий муаммоли топшириқлар мазмуни ва уларни бажариш методлари белгиланди. Шакллантирувчи тажриба босқичида, биз томондан, тавсия этилган кўрсатма методик ишланмалар, муаммоли топшириқлар ишлаб чиқиш орқали амалий фаолият ташкил этилди. Тажриба натижасида, ўз касбига бўлган қизиқишларини ривожлантириш, педагогик кузатишлар, улар иштирокида амалий тренингларни ташкил этиш, суҳбат, анкета сўрови, амалий ижодий ишларга қаратилган методлар ёрдамида техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитиш ривожлантирилди; 3) тасдиқловчи тажриба босқичида талабаларнинг компетенциявий ёндашуви асосида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш мақсадида муаммоли вазиятли топшириқлар асосида таҳлил қилиш ва биз қўллаган методнинг самарадорлиги, шунингдек, талабаларга касбий ижодкорлик бўйича компетенциявий ёндашув асосида шаклланиши даражаси аниқланди.

Тажриба-синов ишларининг муваффақиятли кечишида қуйидаги омилларнинг мавжудлиги туфайли таъминланди. Техника олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш замон талаблари даражасида эканлигини, таълим тизимини компетенциялар асосида ривожлантириш жамиятда бўлаётган иқтисодий-маданий, ижтимоий соҳаларда тажрибалар асосида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириб бориш, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этганлиги аниқланди. Хорижий мамлакатлар техника олий таълим

муассасаларининг таълим, тарбия, илмийлик, тарбиявий мақсадлари ва эътиборли жиҳатларини ўрганиш мутахассисларни тайёрлашда методологик ёрдам бўла олиши аниқланди. Техника олий таълим муассасалари талабаларнинг техник савиясини, илмийлигини ошириш, физикани замон талаблари даражасида ўқитиш орқали ундан кутилган натижалар бериш самарадорлигини такомиллаштиришга хизмат қилиш кўрсатилди.

Умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда мутахассислар тайёрлашда ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш ўз педагогик фаолияти, яъни инновациялардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди ва унинг тўғри эканлиги тажриба синов ишларида тасдиқланди. Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида талабаларда компетенциявий ёндашуви асосида касбий ижодкорликнинг физика ўқитишнинг такомиллашган даражасини аниқлашда қуйидаги хусусиятларининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди: ижодий фикрлай олиш (мен мустақил фикрлай оламан); касбига интилувчанлиги (мен етук мутахассислар бўламан); мен мустақил изланишга, инновациялар яратишга киришаман; мен доимо дўстларим, ўқитувчим билан ҳамкорликда ишлайман; мен ўз касбимни ёқтираман, янгиликлар яратишга ҳаракат қиламан.

Тажриба-синов ишлари самарадорлигини аниқлаш мақсадида талабалар тенглик асосида тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Тажриба давомида талабаларнинг касбий компетентлиги даражаларининг шаклланишга оид тушунчалар таркиб топганлиги даражасини аниқлаш мақсадида муаммоли вазиятли топшириқлар ишлаб чиқилди.

Тажриба ва назорат гуруҳларида ўтказилган тест ва ёзма-назорат ишлар натижаси қуйидаги жадвалда юқори (I), ўрта (II), қуйи (III) даражаларга ажратилган ҳолда берилган. Тадқиқот мавзуси юзасидан шакллантирувчи тажриба-синов ишларининг талабалар билим даражаларни тажриба ва назорат гуруҳларида аниқлаш ва қиёсий таҳлил қилиш босқичи амалиётчи ўқитувчилар ҳамда муаллиф томонидан 2017-2020-йилларда 3 босқичда амалга оширилди. Синов босқичи 3 ўқув йилида “физика” фанидан амалга оширилди. I босқич 2017-2018 ўқув йили II босқич 2018-2019 ўқув йили III босқич 2019-2020 ўқув йилларида гуруҳларда “физика” фанидан амалга оширилди (3-жадвал).

Тажриба синовнинг 3-шакллантирувчи босқичида 2019-2020 талабаларнинг физика фанидаги қонунлар, масалалар ечимлари, физик олимларнинг илмий ишлари, электр ўлчов асбоблари, ядро реакцияларининг бориши ва энергия ажралиб чиқиши ҳақидаги мустақил ўқув фаолияти синаб кўрилди. Бунда турли дидактик ўйинлар, бошқотирмалар, лингвистик ўйинлардан фойдаланилди, хулосалар умумлаштирилди. Талабаларнинг ўзлаштириш даражаси тест, амалий масалалар ёрдамида текшириб кўрилди.

Физика фанини ҳар томонлама чуқур ва атрофлича ўрганиш, дарҳақиқат, бевосита ҳозирги замон ўқув воситалари ҳамда фаол методлардан компетенциявий ёндашув асосида фойдаланиб иш кўрилди. Айниқса, талабаларнинг компетенциявий ёндашув орқали физикадан мустақил ўқув фаолиятини, билиш фаоллигини ошириш, мустақил ишларни ташкил этиш, таълим беришнинг анъанавий ва ноанъанавий, фаол методлар ҳамда

методларидан ўринли фойдаланиш талабаларнинг физикадан ўқув фаоллигини ривожлантириб, инновацион қобилияти ривожланиб, юқори самарадорликка эришилди.

3-жадвал

Яқуний тест ва умумлаштирувчи машғулотларнинг натижалари.

Ўқув йили	талабалар сони (нафарда)	Тажриба гуруҳи				талабалар сони (нафарда)	Назорат гуруҳи			
		Баҳолаш мезони					Баҳолаш мезони			
		I-даражали(юқори)	II-даражали(ўрта)	III-даражали(қуйи)	IV-даражали		I-даражали(юқори)	II-даражали(ўрта)	III-даражали(қуйи)	IV-даражали (қониқарсиз)
2017-	77	16	48	12	1	76	10	25	32	9
2018	%	21	62	16	1	%	14	38	34	15
2018-	76	17	48	10	1	77	9	27	33	8
2019	%	22	63	13	1	%	12	35	43	10
2019-	76	22	43	11	0	77	11	27	29	10
2020	%	29	57	14	0	%	14	35	38	13
Жами	229	55	139	33	2	230	30	79	94	27
	%	24	61	14	1	%	13	34	41	12

Юқоридаги физика фанидан ўтказилган тажриба-синовни ташкил этиш ва уни ўтказиш методикаси бўйича тажриба натижаларининг таҳлили билан танишамиз. Тажриба натижаларини таҳлил қилишда математик статистик методлардан фойдаланилди. Талабаларнинг техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика фанини ўзлаштириши мустақил ўқув фаолияти, масалалар ечиш ҳар-бир боб: механика, молекуляр физика, электростатика, электр ва магнетизим, оптика, квант физикаси, атом физикаси бобларидан талабаларнинг компетенциявий ёндашув асосида ўзлаштириш самарадорлиги, билим даражасининг ўзгаришини аниқлаш йўли билан тасдиқланди. Талабаларнинг физикадан техника олий таълим муассасаларида билим олиш жараёнида уларнинг

компетенциявий ёндашув асосида билим олиш даражаси ҳар бир боб охиридаги машғулотларда билим даражасининг ўзгаришини аниқлаш йўли билан тасдиқланди.

4-жадвал

Якуний натижаларнинг статистик таҳлили

Тажриба вақти ва ўқув йили	Техника олий таълим муассасалари	Ўртача қиймат		Самарадорлик	Танланма дисперсия		Ўртача гвадратик четланиш	
		Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
I босқич 2017-2018 ўқув йили	ТДТУ	4,04	3,48	1,16	0,52	0,49	0,72	0,7
	ЖизПИ	4,08	3,56	1,15	0,46	0,49	0,67	0,7
	ТДТУ нинг Термиз филиали	4,08	3,5	1,16	0,38	0,48	0,62	0,69
	Жами	4,06	3,51	1,16	0,45	0,49	0,67	0,7
II босқич 2018-2019 ўқув йили	ТДТУ	4,15	3,56	1,17	0,44	0,49	0,66	0,7
	ЖизПИ	4,16	3,56	1,17	0,37	0,49	0,61	0,7
	ТДТУ нинг Термиз филиали	4,08	3,5	1,17	0,47	0,48	0,69	0,69
	Жами	4,13	3,54	1,17	0,43	0,49	0,66	0,7
III босқич 2019-2020 ўқув йили	ТДТУ	4,15	3,54	1,17	0,44	0,48	0,66	0,69
	ЖизПИ	4,2	3,56	1,18	0,4	0,49	0,63	0,7
	ТДТУ нинг Термиз филиали	4,12	3,5	1,18	0,43	0,48	0,65	0,69
	Жами	4,16	3,53	1,18	0,42	0,48	0,65	0,69

Педагогик тажриба-синовдан олинган натижаларнинг ишончилигини аниқлаш ва таклиф қилинган методиканинг самарали эканлигини кўрсатиш мақсадида улар χ^2 статистик мезон ёрдамида таҳлил қилинди. Бунда М.И.Грабаръ ва К.А.Краснянскаяларнинг тавсияларидан фойдаланилди.


Тадқиқот ишида χ^2 усулини қўллаш, бош тўплам, яъни ўқув жараёнининг нормал тақсимот қонунига бўйсиниши ҳақидаги фаразни текширишни талаб этади. Тажриба ва назорат гуруҳларининг тажриба бошида ва тажриба сўнгида олинган ўзлаштиришларини таққослаш мақсадида гуруҳларда ўзлаштириш баҳосининг ўртача қиймати $\bar{x} = \frac{\sum x_i m_j}{N}$ деб олинди. Бу ерда x_i – ўзлаштириш кўрсаткичи бўлиб, улар ҳар бир баҳолаш мезони ва топшириқларга кўра “5”, “4”, “3”, “2” баҳоларни қабул қилади. m_j – баҳолардан такрорланишлар сони, N – тажрибада иштирок этаётган талабаларнинг сони.

Бунда H_0 гипотеза сифатида тажриба ва назорат гуруҳларида баҳолаш турлари бўйича кутилаётган эҳтимоллар тенг ($p_{11}=p_{21}, p_{12}=p_{22}, \dots, p_{1c}=p_{2c}$) деб, альтернатив H_1 гипотеза сифатида ($p_{11} \neq p_{21}, p_{12} \neq p_{22}, \dots, p_{1c} \neq p_{2c}$) олинди. Ушбу статистик гипотезани текшириш учун χ^2 мезонидан фойдаланди. Яъни


$$\chi^2_{\text{кузатув}} = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{i=1}^c \frac{(n_1 O_{2i} - n_2 O_{1i})^2}{O_{1i} + O_{2i}}$$

формуласидан фойдаланамиз.

3 ўқув йили давомида тажриба охиридаги тажриба ва назорат гуруҳларининг танланган топшириқларни бажарилишининг якуний натижалари асосида статистик таҳлилни қуйидаги ҳисоб (4-жадвал) (7-8-расм) жадвалида келтирилди.



7-расм. Техника олий таълим муассасаларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи.



8- расм. Техника олий таълим муассасаларидаги ўртача сифат кўрсаткичи.

Демак, статистик таҳлил натижаларига кўра, $\chi^2_{\text{қузатув}} \phi \chi^2_{\text{критик}}$ шарт бажарилгани учун H_0 гипотеза рад этилиб, H_1 гипотеза қабул қилинади, яъни олиб борилган тажриба-синов ишларидаги тажриба гуруҳларидаги олинган натижалар назорат гуруҳида олинган натижалардан фарқ қилади ва унда самарадорлик биринчи босқичда 16 % га, иккинчи босқичда 17% га, 3 босқичда 18% га, ўртача эса 17% га юқори эканлиги аниқланди (5-жадвал) (9-10-расм).

5-жадвал


Якуний назорат саволлар ва тест бўйича ўтказилган назорат ишининг натижалари бўйича статистик таҳлили.

Ўқув йили		2017-2018	2018-2019	2019-2020	Жами
Ўртача киймат	Тажриба гуруҳи	4,03	4,07	4,14	4,08
	Назорат гуруҳи	3,47	3,48	3,51	3,49
Самарадолик коэффициенти		1,16	1,17	1,18	1,17
Танланма дисперсия	Тажриба гуруҳи	0,41	0,40	0,41	0,41
	Назорат гуруҳи	0,75	0,69	0,80	0,75
Стандарт хатолик	Тажриба гуруҳи	0,64	0,64	0,64	0,64
	Назорат гуруҳи	0,87	0,83	0,89	0,86
Ишончлилик оралиғи	Тажриба гуруҳи	3,88	3,92	4,00	4,00
		4,17	4,21	4,29	4,16
	Назорат гуруҳи	3,28	3,29	3,31	3,38
		3,67	3,67	3,71	3,60
ХИ КВАДРАТ		24,12	26,08	25,42	74,72
Критик қиймат		7,81	7,81	7,81	7,81
Мезоний хулоса		H_1	H_1	H_1	H_1



9- расм. Якуний тест бўйича босқичларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи.

Техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитиш методикасини ривожлантиришда аудиторияда ва аудиториядан ташқарида ташкил этиладиган машғулотлар ҳамда масалалар ечиш, тест топшириқларини бажариш натижасида касбий компетентлиликнинг ривожланганлиги таҳлил қилинди.



10 - расм. Ўтказилган тажриба–синов ишларининг натижалари ва уларнинг таҳлили.

Тажриба-синов ишлари мақсад ва белгиланган вазифалар асосида ташкил этиш қуйидаги ҳолатни юзага келтирди. Тажриба-синов ишларининг аниқ ишларининг аниқ йўналишга эгаллиги. Тажриба-синовда вақтдан самарали фойдаланганлиги. Тажриба-синов самарадорлиги таъминланганлиги. Техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика фанини ўқитиш талабаларни касбга қизиқиши оширилиб илмий инновацион ривожлантириш жараёнини ташкил этиш назарий ва методик жиҳатдан асослаш мақсадида амалга оширилган тадқиқот ишимизда қўлланилган методиканинг самарали ҳамда ишончли эканлиги исботланди.

ХУЛОСАЛАР

Техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш мавзусида олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Техника олий таълим муассасаларида физика фанини ўқитишнинг методик тизими ўқитувчининг инновацион фаолияти, талабанинг мустақил таълим олиши дидактик жараёнининг психологик-педагогик компонентларини инновацион таълим муҳитида тажриба фаолияти вариативлигини соддалаштириб бориш асосида аниқлаштирилди.

2. Физикани ўқитишнинг методик жиҳатларига ижодий ёндашувнинг таркибий қисмлари бўлажак техник муҳандисларга индивидуал психологик мотивацион-ҳиссий ва иродавий хусусиятлари ҳамда талабанинг ўқув фаолиятини индивидуаллиги ва вариативлигига касбий фронтал лаборатория ишларини киритиш асосида такомиллаштирилди.

3. Талабаларнинг физикадан билимлар сифатини ошириш модели физикага концептуал асосларга таянган ҳолда, физика ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг методологик, фаолиятли-технологик, шахсий-нативавий даражаларининг қайта алоқага киришувининг интенсивлигини таълим жараёнларини касбий дифференциаллаштириш асосида такомиллаштирилди.

4. Физикага оид мотивацион-қадриятли, образли, амалий компонентлари муаммоли ва контекстли ўқитишнинг экспериментал жиҳатларини ошириш, талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириш, экспериментал фаолиятини индивидуаллаштириш ҳамда ўзгарувчанлик муҳитини фанлараро практикум параметрларини киритиш асосида такомиллаштирилди.

5. Бўлажак техник муҳандисларни тайёрлашда физикадан мустақил ўқув фаолиятига компетенциявий ёндашув ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш истиқболларини стратегик аниқлаш асосида такомиллаштирилган, касбий физика курси бўлимларидан лаборатория ишларини илмий йўналтириш, талабалар томонидан ўзлаштириш даражаси бўйича аниқлашга қаратилган баҳолаш мезонлари ва модулли ўқитиш индикаторларини киритиш асосида такомиллаштирилди.

6. Техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида талабаларни рақобатбардош муҳассислар қилиб тарбиялаш, жамият ҳаётида, ишлаб чиқариш ва касбий фаолиятда муваффақиятли иштироқини таъминлайди.

7. Компетенциявий ёндашув асосида техника олий таълим муассасаларида талабаларнинг ижодий-илмий салоҳиятини ривожлантириш, инновацион салоҳиятни таркиб топтириш долзарб илмий-амалий зарурият эканлиги аниқлаштирилди.

8. Тажриба-синовда техника олий таълим муассасаларида физика ўқитиш жараёнида компетенциявий ёндашув асосида бўлажак мутахассислар тайёргарлигини такомиллаштириш мезон ва кўрсаткичлар аниқлаштирилди, методикаси ишлаб чиқилди ва талабаларнинг билимларни амалда қўллаш олиш кўникмалари шакллانганлиги тасдиқланди.

9. Техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашувнинг коммуникатив, ўз-ўзини назорат қилиш, фаоллаштириш, математик саводхонликни ривожлантиришдан самарали фойдаланишга эътиборни қаратиш лозимлиги исботланди.

10. Талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантиришни кучайтириш физика ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш йўлларида бири эканлиги назарий ва методик жиҳатдан асосланди.

11. Техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича ушбу тадқиқот иши юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни таълим жараёнига татбиқ этиш самарадорлиги 17 % ни ташкил этди.

ТАВСИЯЛАР

Хулосаларга таянган ҳолда, техника олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашув асосида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифлар шакллантирилди:

1. Бўлажак техник муҳандисларда эркин таълим муҳитида компетенциявий ёндашув асосида ўрганилаётган соҳасининг ғоявий масалаларини англаши ва амалиётга татбиқ этишини жаҳон тажрибаларини умумлаштириш ва

Ўқитилаётган фанлар тизимини ўрганиб, физика фанига оид ва таянч компетенцияларни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш.

2. Техника олий таълим муассасаларида бўлажак техник муҳандисларни тайёрлашнинг методик тайёргарлигини такомиллаштиришда физик масалалар ечиш, лаборатория ишларини бажариш, тажрибалар ўтказиш методикасини танлаш ҳақида тавсиялар ишлаб чиқиш.

3. Талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнига мақсадга мувофиқ ҳолда компетенциявий ёндашув асосида ташкил этишнинг аҳамиятидан келиб жорий қилиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.01. 2020.Ped.26.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

СУЛТОНОВА УГИЛОЙ НАБИЕВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ ФИЗИКИ В
ТЕХНИЧЕСКИХ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ НА ОСНОВЕ
КОМПЕТЕНТНОСТНОГО ПОДХОДА**

13.00.02- Теория и практика обучения и воспитания (физика)

АВТОРЕФЕРАТ

Диссертации доктора педагогических наук (DSc)

Ташкент - 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.DSc/Ped148.

Докторская диссертация выполнена при Ташкентском государственном университете.
Автореферат диссертации размещен на веб-сайте Научного совета (www.tersu.uz) и в Информационном образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz) на трех (узбекском, русском и английском (резюме)) языках.

Научный консультант:	Абдуллаева Барно Сайфутдиновна доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Махмудов Юсуп Ганиевич доктор педагогических наук, профессор Камолхаджаев Шахобидин Муҳиддинович доктор физика-математических наук, профессор Жураев Хусниддин Олтинбоевич доктор педагогических наук, доцент
Ведущая организация:	Жиззахский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «22» Август 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, город Ташкент, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; Web-site: www.tdpu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 100011, город Ташкент, Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Автореферат диссертации разослан «11» 09 2022 года.
(реестр протокол рассылки № 54.11 от 01 2022 года).

ТАШКЕНТ
(001) 276-79-11

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, профессор **В.М.Исмаилов**

Секретарь Совета по присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент **В.Т.Исмаилов**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор **С.С.Булатов**



ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По всему миру, в условиях цифровой экономики, в высших учебных заведениях внедряются механизмы совершенствования методики преподавания физики на основе компетентностного подхода. В мае 2015 года на Всемирном форуме в Южной Корее была принята Инчхонская декларация "Образование-2030", обеспечивающая устойчивое развитие образования в мире, и создание возможности для получения качественного образования на протяжении всей жизни было определено в качестве актуальной задачи. В технических высших учебных заведениях проводятся системные работы по совершенствованию методики преподавания физики на основе компетентностного подхода, повышению качества дидактического обеспечения, развитию творческого мышления студентов, использованию современных образовательных технологий, удовлетворению потребности в креативных и компетентных специалистов.

В образовательных и научно-исследовательских заведениях мира проводятся научно-исследовательские работы по развитию физической компоненты образования, широкому использованию методов индукции и дедукции при обучении физике, внедрению и совершенствованию международной программы оценивания, интегративному подходу к преподаванию физики, модернизации содержания образования и внедрению инновационных информационных технологий в образование. В то же время особое внимание уделяется научно-исследовательским работам, направленным по таким вопросам, как развитие способности творческого мышления студентов относительно изучения физики, повышение профессиональной компетенции, внедрение информационных технологий при преподавании физики, обеспечение гармонии теории и практики при обучении.

В последние годы в нашей республике были созданы нормативные базы подготовки высококвалифицированных кадров, соответствующих современным потребностям рынка труда, применения новых форм организации занятий, повышения качества и эффективности образования и возможностей образовательных услуг в связи с развитием информационных технологий. Создание эффективного механизма углубленного изучения дисциплин, внедрения научных и инновационных достижений в практику ⁶было определено в качестве приоритетной задачи. Это, в свою очередь, расширяет возможности совершенствования методики преподавания физики на основе компетентностного подхода в высших учебных заведениях.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан", в постановлениях Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года ПП-2909 "О мерах по дальнейшему развитию системы

⁶ Постановление Президента Республики Узбекистан №РQ-5032 от 19 марта 2021 года «О мерах по повышению качества образования и научных исследований в области физики».

высшего образования” и от 5 июня 2018 года ПП-3775 “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах”, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной области.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики I. «Формирование и реализация системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁷. В ряде высших учебных заведений и научно-исследовательских институтов мира, в частности: University of Nevada (США), University of Bayreuth (Германия), University of Kent (Англия), Nord University, Буде (Норвегия), National University of Singapore (Сингапур), Уфимский государственный университет (Россия), Университет Хоккайдо (Япония), Белорусский государственный университет (Белоруссия), ведутся фундаментальные и прикладные исследования по вопросам компетентностного подхода, базовых и предметных компетенций и компетентности получающих образование в непрерывном образовании.

В мире, в результате проведенных исследований по преподаванию физики на основе компетентностного подхода, организации учебных занятий в высших учебных заведениях, информационным технологиям в образовании и повышению их эффективности, были получены ряд научных результатов, в частности: на основе компетентностного подхода были разработаны современные технологии преподавания (Leiden University); организация самостоятельной образовательной деятельности студентов на основе компетентностного подхода, и ее эффективность (Polish Society for Human Evolution Studies); усвоение содержания физики на основе интегрирования различных видов деятельности преподавателей и студентов (Center for Cellular and Molecular Biology); разработана методика использования практико-образовательных вопросов, направленных на повышение компетенций по физике (Organization for Economic Cooperation and Development (OECD)).

В проведенных научных исследованиях по совершенствованию методики преподавания физики, в мировой системе высшего образования были разработаны: этапы, методы и формы подготовки специалистов, сущность

⁷https://nclab.com/unr-da/?gclid=EAIaIQobChMIstaZqfK49QIVGNtRCh3MYgMVEAAYASAAEgJDyfD_BwE;
<https://uni-bayreuth.de/en;> <https://www.kent.ac.uk;> <https://www.nord.no/en;> <https://www.nus.edu.sg;> <https://rusoil.net;>
<https://rusoil.net;> <https://www.hokudai.ac.jp;> [bsui.by;](https://www.bsui.by/) <https://www.ccmb.res.in;> Гоулман Д. Эмоциональный интеллект в бизнесе. – М.: «Манн, Иванов и Фербер», 2013. – С. 512; Митина Л.М. Профессиональная деятельность и здоровье педагога: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: «Академия», 2005; Хуторской А.В. Технология проектирования ключевых и предметных компетенций. Инновации в образовательной школе. Методы обучения: сборник научных трудов. – М.: ГНУ ИСМО РАО, 2006. – С. 65-79; Бермус А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентностного подхода в образовании. – М.: «Эйдос», 2005.
<http://www.eidos.ru/journal/2005/0910-12.htm;> [https://www.oecd.org/about/;](https://www.oecd.org/about/) <https://www.nitttrc.ac.in;>
<https://www.snnu.edu.cn;> <https://www.princeton.edu>

содержания компетенций, типы компетентностей, которые формируются у студентов, механизмы их формирования, важность способности в развитии созидательности студентов. Также были разработаны технологии по уровням мастерства умения применять на практике (National Institute Of Technical Teachers Training And Research (Индия)); инновационные технологии образования, нетрадиционные формы, методы и средства преподавания, вопросы применения стратегических технологий и социального образовательного сотрудничества, программы системной организации сотрудничества студентов и преподавателей, взаимообмена опытом (Shaansi Normal University (Китай)); содержание проектно-конструктивного процесса обучения в высших учебных заведениях, позволяющее сформировать систему компетентностных подходов и методов, направленных на проектирование и моделирование созидательности студентов технических высших учебных заведений (Princeton university (США)).

В ведущих мировых высших учебных заведениях, научно-исследовательских институтах проводятся научные исследования по совершенствованию методики преподавания физики в высших учебных заведениях на основе компетентностного подхода, разработке нового (совместного, разноуровневого, развивающего, программированного) методического обеспечения образования по развитию компетентности студентов, внедрению инновационных механизмов развития методики преподавания физики и оценки ее качества.

Степень изученности проблемы. Научные исследования по проблемам обучения и вопросам организации образования в образовательных учреждениях в системе непрерывного образования нашей Республики проводили такие ученые, как Б.Абдуллаева, Р.Джураев, Р.Исянов, Н.А.Муслимов. Проблемы совершенствования теоретических знаний, практических навыков и квалификации студента и подготовки его к профессиональной деятельности при преподавании физики в высших учебных заведениях, были исследованы в работах Г.Карлыбаева, Б.М.Мирзахмедова, Ю.Г.Махмудова К.Муминходжаева, Ю.Пулатова, К.Турсунметова, Н.Ш.Турдиева, Б.Тураева, Дж.Усарова⁸.

⁸ Абдуллаева Б.С. Фанлараро алокадорликнинг методологик-дидактик асослари (Ижтимоий-гуманитар йўналишлардаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида): Пед. фан. докт.... дисс. автореф. –Т., 2006, - 49 б. 49.; Джураев Р.Х. Организационно - педагогические основы интенсификации системы профессионального подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс ... док.пед.наук.-Т.: 1995. - 43с.; 68. Исянов Р.Г. Кластерный подход в формировании модульной компетентности преподавателей высших образовательных учреждений. – Ташкент: ТГПУ, 2014. – 69 с.; 104.; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент: ТДПУ, 2007. – 47 б.; Карлыбаева Г.Е. Физика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш-тириш. Дарслик. –Тошкент: Turon-Iqbol, 2018, - 233 б.; 95.; Мирзахмедов Б.М., Ғофуров Н., Ибрагимов Б., Сағатова Г. Физика ўқитиш методикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 2002.; Мирзахмедов Б. Масалалар ечиш фикрлашни талаб этади. «Маърифат» газетаси. 2004 йил 10 апрель.; Махмудов Ю.Ғ. Физикадан савол-масалалар тўплами (8-10 синфлар учун). Ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, -1994. -224 б.; 88.; Мўминхўжаев К., Хуторская Л. Физикадан мустақил ишларни ташкил этиш. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 142 б.; Пулатов Ю.П., Норов Ш. Физикадан экспериментал ва сифат масалалар. // Ж. Халқ таълими. -2001. -6-сон. -Б.67-69.; Турсунметов К.А., Узоқов А.А., Бўрибоев И. Физикадан масалалар тўплами. – Т.: Ўқитувчи, 2003. –189 б.; Турсунметов К.А. ва бошқ. Физикадан масала ечиш методикаси. // Uzluksiz ta'lim. – Toshkent: 2015. – №2. – Б. 3–10.; European Journal of Educational Applied Psychology. – Vienna, 2016. –№2. – р. 66.; 146.; Турдиев Н.Ш. Физика: Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. – Т.: Картография,

